

Ислом Европага дунёни ривожлантириш имконини берди



15:18 / 21.06.2019 3252

Юз миллионлаб инсонларнинг дини бўлган Ислом бошқа динлар билан таққослаганда дунёда давомий қоладиган дин ҳисобланди. Бу ақлга таянадиган диннинг манбаи ва дастури Қуръон бўлиб, у жаҳон тамаддуни асосларини ўз ичига олади. Шу сабабдан ҳам дунё тараққиёти Исломият томонидан чоп этилган асослар руҳида шаклланган, деб очиқ айта оламиз. Дарҳақиқат, бу олий дин, Европага дунёни ривожлантириш учун зарур бўлган энг муҳим захираларни тақдим этди. Гарчи биз исломнинг бу устунлиги олдида таслим бўлиб, воситачилик қилганимиздан миннатдор эканимизни тан олмаган бўлсак-да, ҳақиқат айнан шундай эканига ҳеч қандай шак-шубҳа йўқ. Кейинчалик бу француз мухбири Исломнинг дунёдаги тинчликни сақлаш мавзусида шундай ёзади: Агар ислом дини ердан кўтарилса ва ерда битта ҳам мусулмон қолмаса, ерда тинчликни

сақлаш мумкин бўладими? Албатта, йўқ, бунинг имкони йўқ!

Гастон Каре - францининг машҳур “Ла Фигаро” газетасининг ходими бўлган, ўтган аср бошларида ислом динининг тинчлик дини мавзусида кўплаб тадқиқотлар олиб бориб, мақолалар ёзган.